

30.06.2022 даги

Акмал Акрамжон Абдуллох МЧЖ ва Учқўрғон тумани маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими
ўртасида 276000000,00 сўм умумий суммага тузилган 2 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 259
Шахсий газна ҳисобварақ 401722860142347011906259001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4332900			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	276 000 000,00			276 000 000,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	276 000 000,00			276 000 000,00

Жами 276000000,00 сўм

Икки юз етмиш олти миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 82800000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 ойида тўланиши лозим.


(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан вазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).


Буюртмачи раҳбари




(имзо)

Маҳкамов Муҳиддин Одилжанович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери



(имзо)

Ҳамидов Ғайратжон Каримжонович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ҳодими қабул қилди

_____ (имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди


(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

«30» июн 2022 й

Учқургон тумани.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилояти Учқургон туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими номидан бўлим бошлиғи **М.Махкамов**, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Akmal Akram Abdullox**» МЧЖ номидан **А.Ортиқхўжаев**, Низом асосида иш юритувчи корхонаси раҳбари иккинчи томондан Наманган вилояти Ёғду МФЙга «Очиқ бюджет» дастури доирасида спорт майдончаси қуриш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Шартнома мазмуни.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кўзда тутилган Наманган вилояти Учқургон туман Ёғду МФЙга «Очиқ бюджет» дастури доирасида спорт майдончаси қуриш ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов натижасида аниқланиб, танлов комиссиясининг (2022 йил «28» июндаги) №110143-баён қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (бошланғич) жорий нархларда: 276000000 (Икки юз етмиш олти миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар эса бундан мустасно:

✓ қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

✓ ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

✓ объектнинг қурилиши бир йилдан ортик муддатга ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга кейинги йилларга шарномавий нархларни аниқлаштириш амалдаги қонун ҳужатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув (битим) билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномага ҳамда унинг иловасига мувофиқ ишчи сметада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган куч (субпудратчи)лар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ объектда техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

✓ таъмирлаш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

✓ пудратчи тамонидан қуриб битказилган объект ёки жорий таъмирлаш, иситиш тизими, катёллари бир йил мобайнида қайта таъмир талаб бўлган тақдирда пудратчи тамонидан таъмирлаб бериши шарт.

✓ пудратчига объект учун лойихада белгиланган қурилиш материалларини буюртмачи тамонидан белгиланган тартибни бузиб, сифатсиз ёки бошқа материалларни ишлатган тақдирда пудратчи тамонидан алмаштириб берилиши шарт.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ҳамда ёлланган

пудратчилар билан биргаликда зарур тарзда бажарилиши ва ишларни фойдаланишга тайёр олда топшириши учун Буюртмачи олдида тўлик ҳамда мулкый жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи:**

✓ мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ пудрат ишларни бажариш учун яроқли объектни таъмирлаш ишларини бошлаб тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича **Пудратчига** бериш;

✓ ишлар бажарилиши устида доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган **Пудратчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Пудратчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Пудратчининг** барча мурожаатларини ун кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Пудратчига** молиялаштириш жадвалига мувофиқ бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддатлари.

5.1. Шартнома:

✓ миллий валюта «сўм»да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда—томонлар уни имзолаган-пайтдан бошлаб;

✓ миллий валюта «сўм»да, ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан сўнг.

5.2. **Пудратчи** мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.4. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва **2022 йил 31 декабр**га қадар амал қилади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. **Буюртмачи Пудратчига** шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи:**

(бошланғич нарх бўйича) **82800000 (Саксон икки миллион саккиз юз минг) сўм** миқдорида аванс ўтказилади.

6.2. **Буюртмачи** томонидан **Пудратчига** жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш бўйича Ф-2 далолатнома асос ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишчи сметага мувофиқ, бажарилган иш учун Ф-2 далолатнома асосида тўлик амалга оширилади.

6.4. **Буюртмачи** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб **ўттиз кун** мобайнида бажармаган тақдирда, **Пудратчи** бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда **Буюртмачи Пудратчи** томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод этилмайди.

VII. Ишларни бажариш.

7.1. **Пудратчи** ишларни бажариш лойиҳасига ва ишчи сметага биноан объектларда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.2. **Пудратчи Буюртмачининг** манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида майда четга чиқишларни **Буюртмачининг** розилигисиз амалга оширса ҳамда бу четга чиқишлар таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

VIII. Ишларни кўриклаш.

8.1. **Пудратчи** ишлар бошланиб, таъмирлаш тугалангунгача ва таъмирлаши тугаланган ишлар **Буюртмачи** томонидан қабул қилиб олингунга қадар материаллар асбоб-ускуналар, таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар, иморатлар, шунингдек бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб

нганидан кейин сақланишига **Буюртмачи** жавоб беради.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

8.3. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ушбу қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

8.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Пудратчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай таъмирлаш чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Шартномани бекор қилиш.

9.1. Буюртмачи:

✓ шартнома кучга киргандан кейин таъмирлаш ишларнинг бошланиши **Буюртмачига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Пудратчи** томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

✓ **Пудратчи** томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Пудратчи:

✓ Ишларнинг бажарилиши **Пудратчига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Буюртмачи** томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

✓ **Буюртмачи** томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартнома бекор қилинганда, **Буюртмачи** ва **Пудратчининг** қўшма қарорига кўра таъмирлаш ишлари тугалланган объект бир ой муддатда **Буюртмачига** топширилади. **Буюртмачи** бажарилган ишлар қийматини **Пудратчига** тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойданитўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" гива "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда ҳам жавобгар бўлади.

10.2. Мазкур шартноманинг тегишли иловаларида кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши **Буюртмачини** шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торгганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торгган ишлар қийматнинг **15 фоизи миқдорида** жарима тўлайди.

10.4. **Пудратчи** объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун **Буюртмачига** муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли **Пудратчи Буюртмачига** сифатсиз бажарилган ишлар учун **20 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

Жарима тўлаш **Пудратчини** ишларни ёки хизматларни бажарилишини кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XI. Низоларни хал этиш тартиби.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал эта олмасалар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эгадир.

XII. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари:

«БУЮРТМАЧИ»
УЧҚУРҒОН ТУМАН Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб-қувватлаш
БЎЛИМИ

(бюджетдан маблағолувчининг номи)

Манзил: Учқурғон ш. Дўстлик МФЙ 33-уй

Тел./факс: 69-462-12-52;

х/р: 401722860142347011906259001

Банкнинг номи: Ўз.РесМарказий
банк Тошкент ш. ХККМБ

СТИР: 207316434

Ҳазначилик бўлинмаси номи

Учқурғон туман бўйича Ҳазначилик
бўлинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш.
ХККМБ

МФО: 00014

Ҳазначилик СТИРи: 201122919

Раҳбар:

(лавозим)

М.Ў

М.Маҳкамов

(Ф.И.Ш)

М. Маҳкамов

«ПУДРАТЧИ»

«Акmal Akram Abdullox» МЧЖ

(пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Чортоқ тумани Нуруфшон

МФЙ Уйчи кўчаси 33

Тел: 99-392-51-51

х/р: 20208000905180656001

Банк: Агробанк Чортоқ, филиали

ИНН: 307115261

МФО: 00256

ОКРО: _____

Раҳбар:

(лавозим)

М.Ў

А.Ортиқхўжаев

(Ф.И.Ш)

юрисст

А. Ортиқхўжаев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AKMAL AKRAM ABDULLOX" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AKMAL AKRAM ABDULLOX" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.02.2020

812773

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307115261

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, NURAFSHON MFY, UYCHI
KO'CHASI,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 30 ” июн 2022 йил

Учқўрғон шаҳри



Наманган вилояти Учқўрғон шаҳар Дўстлик МФЙ Дўстлик кўчаси 33 уйда жойлашган Учқўрғон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан 2022 йил “21 ” июндаги 22110012110143-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонунининг 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Учқўрғон туман Ёғду маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига спорт майдончаси қуриш ишларини бажариб бериш учун танлов харидлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича Наманган вилоят Чортоқ туман Нурафшон МФЙ Уйчи кўчаси ҳудудидаги «Акmal Akram Abdullox» МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш

иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Учкўрғон туман Маҳалла ва

нуронийларни қўллаб-қувватлаш

бўлими бошлиғи

М.Махкамов

бош ҳисобчиси:

Ғ.Ҳамидов

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 110143 на приобретение Очиқ бюджет дастури доирасида Ёғду МФЙга спорт майдончалари қуриш

Способ проведения электронный

Дата 28.06.2022

Время рассмотрения 28.06.2022 17:28

Конкурсная комиссия Учкургон туман махалла ва оилани куллаб-қувватлаш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MAXKAMOV MUXIDDIN ODILJANOVICH	Бўлим бошлиғи	Курилиш ва таъмирлаш
Секретарь комиссии	XAMIDOV G'AYRATJON KARIMJONOVICH	Hisobchi	Курилиш ва таъмирлаш
Член комиссии	XUDAYAROV FARRUXBEK MAXAMADBEKOVICH	Мутахассис	Курилиш ва таъмирлаш
Член комиссии	NISHONOVA DILDORA TURSUNMAMATOVNA	Мутахассис	Курилиш ва таъмирлаш
Член комиссии	MAMAJANOV AKRAMJON VALIYEVICH	Бошлиқ Ўринбосари	Курилиш ва таъмирлаш
Член комиссии	ABDURAZAKOV XASANBOY TURSUNOVICH	Ёғду МФЙ раиси	Курилиш ва таъмирлаш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.06.2022 года № лота 110143.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений
Подробное описание	Очиқ бюджет дастури доирасида Ёғду МФЙга спорт майдончалари қуриш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	291 075 236.00
Стартовая сумма	291 075 236.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома Объектни урганганлик тўғрисида маълумот, таклифлар ва расмлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	9	Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	9	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	9	Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	4	Экспертная		

Критерий №2 Охирги 2 йил давомида бажарилган ишлари тугрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 2 йиллик иш тажрибаси шартнома, Ф-3, Ф-5 хужжатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	20	Охирги 2 йил давомида бажарилган ишлари тугрисида маълумотлар	16	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	20	Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари тугрисида маълумотлар	17	Экспертная		

Критерий №3 Куроилиш объектида фойдаланиш учун машина ва механизмлари тугрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати, асосий воситалар руйхати, техник паспорт ижара шартномаси (ижара мавжуд булса)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	21	Куроилиш объектида фойдаланиш учун машина ва механизмлари тугрисида маълумотлар	10	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	21	Куроилиш объектида фойдаланиш учун машина ва механизмлари тугрисида маълумотлар	10	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	20	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	10	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	20	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	15	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	15	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари	9	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	15	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари	12	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи хақида умумий керакли маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AKMAL AKRAM ABDULLOX MCHJ	15	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	12	Экспертная		
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	15	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	291 075 236.00	288 000 000.00	28.06.2022 13:56:21	.00
АКМАЛ АКРАМ ABDULLOX MCHJ	291 075 236.00	276 000 000.00	27.06.2022 11:14:18	.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO	65	0	65
АКМАЛ АКРАМ ABDULLOX MCHJ	66	0	66

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 110143 от 28.06.2022 года на приобретение Очиг бюджет дастури доирасида Ёғду МФЙга спорт майдончалари куриш определила победителем:

АКМАЛ АКРАМ ABDULLOX MCHJ
307115261

и резервный исполнитель: ООО ВАНТ YULDUZI QURILISH SAVDO (305534099)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	МАХКАМОВ МУХИДДИН ОДИЛЖАНОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	АБДУРАЗАКОВ ХАСАНБОЙ ТУРСУНОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	XUDAYAROV FARRUXBEK МАХАМАДБЕКОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	NISHONOVA DILDORA ТУРСУНМАМАТОВНА	Согласен	
Член комиссии	МАМАЖАНОВ АКРАМЖОН ВАЛИЙЕВИЧ	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП